

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 34 (6152).

17

ФЕВРАЛЬ

Ж У М А

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ РАВНАҒИ УЧУН

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИ ҚУРУЛТОЙИДАН

Кеча область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойга кўчхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш илғорлари, областнинг партия, совет активлари таклиф этилганди. Қурултойга қўйилган масала: «1977 йил якуни ва беш йилликнинг учинчи йилида «КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш самардорлиги ва иш сифатини ошириш учун қурултой кўчатириш тўғрисида Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касба соҳа ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига М. М. Мусоҳонов доклад қилди.

— Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, кўчхоз ва совхозлар, областнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари «КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигининг барча тармақларини янада ривожлантиришга эришадилар, деди докладчи. — Беш йилликнинг ўтган икки йили якуни бўйича пландан ташқари 66 минг тонна пахта, 86,1 минг тонна галла, 28,8 минг тонна каноп посси, 87 минг тонна сабзавот ва мева, 2,7 минг тонна гўшт, 6,1 минг тонна сўт, 14,3 миллион дона тухум ва бошқа қўйлаб миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштирилди. Шунингдек, бундай маҳсулотларни давлатга сотиш икки йиллик топишлари ҳам бажарилди. Айниқса, 1977 йилда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. СССР янги Конституцияси умумхалқ муҳофазаси ва қабул этилди. Ушбу Конституциянинг 60 йиллик юбилейга тайёргарлик ва байрамни нишонлаш. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг областнинг дондор қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари Анастасия Ивановна Чудная, Абдураҳим Шерматов, Турсунбой Охунова ўртоқларига йўллаган табрик Муктубди янада областнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини янги ютуқлар сари руҳлантириб юборди.

Областда давлатга пахта сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбурий мўддатли илгари бажарилди. Таёйров пунктларига 440,7 минг тонна пахта етказиб берилди. Ҳар гектардан 32,4 центнердан ҳосил олинди. Машиналар ёрдами билан янги ҳосилнинг 80 процентдан кўпроги териб топирилди.

Бу қармоқнома меҳнат галабасига областнинг барча районлари ва хўжаликлари муносиб ҳисса қўйди. Қўйи Чирчиқ районининг деҳқонлари ҳар гектардан 40,1 центнердан пахта ҳосили олдидлар ва етиштирилган янги ҳосилнинг 93 процентдан кўпрогини машиналарда териб топиришди.

Областдаги 36 кўчхоз ва совхозда гектардан олинган ҳосил 35 центнердан ортиб кетди. 44 та хўжаликда машина теримининг салмоғи 85 процентдан кўпроги ташкил этилди. Айниқса, Бўғра районидан «Октябрь 40 йиллик», Қўйи

Чирчиқ районидан «Победа», «Ленинград», Янгийўл районидан «Коммунизм» кўчхозлари катта муваффақиятларга эришди. Бу хўжаликларда гектардан 45 центнердан ва ундан ошириб ҳосил олинди. 22 та бригадада пахта ҳосилдорлиги 50 центнердан ортиб кетди.

Пахтачиликда эришилган муваффақиятлар партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини тинимай мустаҳкамлаш тўғрисида қилган таълимий таъсирини, кўчхозларнинг ишчи-хўжалик меҳнаткашлари, партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касба соҳа ва комсомол ташкилотлари олиб бораётган катта таъсирини, қишлоқ хўжалигининг натижаларидир.

Докладчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахтачиликнинг ривожлантириш билан бирга деҳқончиликнинг бошқа тармақлари ҳам янги равишда юксалиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади. Шундан ташқари 37,3 минг тонна галла етиштирилди. Давлатга 111 минг тонна галла топирилди. Бу белгиланган ҳарид ҳажмидан 1,6 баравар кўпроқ.

Бу меҳнат галабасига область минтақаси хўжаликлари катта ҳисса қўйди. Шили етиштириш ача қўйлади. Янги ҳосил миқдори 55,5 минг тоннага, гектардан олинган ҳосилдорлик эса 54,5 центнерга етди. Областдаги 20 хўжаликда шили ҳосилдорлиги 60—70 центнерга етди.

Ўтган йили 702 минг тонна сабзавот-мева ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари давлатга нам деганда 430 минг тонна пахта, 310 минг тонна каноп посси, 110 минг тонна галла, 410 минг тонна ҳар хил ассортиментда

ли сабзавот, 60 минг тонна картошка, 80 минг тонна қўн-тарвуз, 60 минг тонна мева, 66 минг тонна уюм, 34,3 минг тонна тирик вазида гўшт, 126,7 минг тонна сўт, 243 миллион дона тухум, 1720 тонна пилла ва 1740 тонна жуи сотишга аҳд қилди.

Бу вазифаларни муваффақиятли ва мўддатидан илгари бажариш учун бизда барча имкониятлар бор. Илгори районлар, совхозлар, кўчхозлар, бригадалар ва фермаларнинг кенг оммалаштириш керак. Бу резервларнинг қўйини билиб, оқилона фойдаланиш ҳеч шубҳасиз, бундан буён маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш имкониятини беради.

Ўтган йили етти та хўжалик: Ойқўрган районидан «Озоод», Қўйишев номли, Янгийўл районидан «Совет Фрунзе» номли, Иднов номли, Бекобод районидан «КПСС XXV съезд», «Дилларин» совхозлари, «Ишкент» совхозига давлатга пахта сотиш планга бажаришди. 53 кўчхоз ва совхозда ҳосилдорлик 1977 йилдагига нисбатан пасайиб кетди. 47 хўжаликда эса ҳосилдорлик районнинг ўртача кўрсаткичидан паст бўлди, 42 хўжаликда машина терим салмоғи 80 процентдан паст бўлди.

Бу кўчхозлар, совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари йўл қўйилган намуналар ва хўжаликнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, таҳлил этиб, қишлоқнинг тугатилиш қаратилиш таъсирини ва агротехник таъсирини ишлаб чиқидилар. Бу таъсирларнинг ўз вақтида ва сифатли аҳадага оширилиши устидан назорат ўрнатиш зарур.

(Давоми 2-бетда).

Решения XXV съезда КПСС — в жизнь



Суратда: қурултой қатнашчилари

А. Мальцев фотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚИШИ

Фрунзе, 16 февраль [ТАСС]. Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон журналистларининг зонал иккидун семинари бугун Қирғизистон пойтахтида ўзининг таомлади. Семинар КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорларини бажаришда, Ўлуг Октябрьнинг 60 йиллик якуниларини ва СССРнинг янги

Конституциясини пропаганда қилишда матбуот, телевидение ва радио эшиттиришининг роли мавзуга бағишланган эди.

КПСС Марказий Комитетининг пропаганда бўлими ва СССР журналистлар союзи правлексини уюштирган бу семинарда КПСС Марказий Ко-

митетининг, СССР ташқи ишлар министрининг масъул ходимлари лекция ўқидилар. Республика ва область газеталарининг редакторлари, телевидение ва радио эшиттириш комитетларининг раҳбарлари энг муҳим партия ва давлат ҳужжатларини пропаганда қилиш соҳасидан иш таърибларини ўртоқлашдилар.

МАКТУБДАН РУҲЛАНИБ

Абдор Отахонов раҳбарлигидаги комплекс бригада «Гашташкентстрой» и г учини қурилиш трестига қарашли 5-йуришчи бончарасида биринчи маротаба бўлиб Социалистик Меҳнат Қадрамини Н. Забировнинг бригада лудрати методи бўйича ишлашга ўтказилган эди.

Зарбдор бригада коллективни ўзининг беш йилликнинг учинчи йилини ҳам янги бошлашди. Улар янгида Словен кўчасида 48 хонадонга мўъаллафланган турар-нон биносини қуриб битказдилар. Ҳозир бу объектда трест 44-қурилиш — бошқармасининг И. Цехос, В. Кар-

пова, К. Малидов раҳбарлигидаги бригадаларида ишчи-корхоналари парвоз ишларини амалга оширмоқда. Трест бинокорлари бинони пардозлаш ишларини мўддатидан илгари тугатилган фойдаланишга топширишга қарор қилишган.

А. БАБАНОВ.

Ўртоқ Владимир Васильевич ШЧЕРБИЦКИЙ га

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети, Сизни, Коммунистик партия билан совет давлатининг таниқли арбобини олтимиз йиллик кўннингизда қизгин муваққаб қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎРТОҚ
В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ
ОКТАБРЬ
РЕВОЛЮЦИЯСИ
ОРГАНИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия билан совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва тугатилган кўнни олтимиз йил тўлини муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийси бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Владимир Васильевич ШЧЕРБИЦКИЙ Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 16 февраль.



ТОШКЕНТ—ИВАНОВО: ЎРГАНИБ ВА ЎРГАТИБ

ИНГИРМАНЧИ йилларда Ўзбекистон пахтасининг қарвалари Иваново тўқимачилик корхоналарига етказиб берилган эди. Ўттизичи йилларда эса республикамизда, ҳусусан Тошкент пахта улкаси тўқимачилик корхонасини бунёд этишда ивановлик мутахассислар актив иштирок этиб, катта ёрдам кўрсатдилар.

Бу дўстлик ва ҳамкорлик шу тариқа икки область тўқимачилари ўртасида тобора кенгайиб, мустаҳкамлашиб бормоқда. Ҳозирги кунларимизда эса РСФСРнинг иқоратурпоқ зонасини ўзлаштиришга олганган минглаб ўзбекистонлик илгари қишлоқларининг бир гуруҳини Иваново областидан ташқари ҳам камунини ерлари ўзлаштиришда фидоқад Иванова областига «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» совхозлари бунёд этилмоқда.

Дўстлик ва ҳамкорликнинг чеки-чегараси йўқ. Шу ҳафта тўрт кун мобайнида пойтахтимизда Иваново област озиқ-овқат саноати ходимларидан ташқил тошган делегация меҳмон бўлди. Бу делегация аъзолари ўзлари билан мусобақадор — турдош корхоналарда бўлишди. Шунинг айтиш кераки, бу тармоқ ишчи ва хизматчилари областимизга биринчи марта таширф бўлишди. Тошкент област озиқ-овқат саноати ходимлари касабаси соҳа кўчхозлари ташаббуси тўғрисида мусобақадорлар бир-бирлари билан яқиндан танишдилар.

Ўтган кунин ивановлик мусобақадорлар делегациясининг сафари ҳамда ўтган 1977 йил социалистик мусобақасига якуни эсладилар. — Икки област озиқ-овқатчиларининг мусобақаси юбилей йили бошлариди, ВЦСПС XVI съезидан кейин бошланган эди, — де-

ди Тошкент област озиқ-овқат саноати ходимлари касабаси соҳа комитетининг раиси С. Бобоева, бу мусобақа «Ивановогорхлеб» ва «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Иваново нон комбинати билан Тошкент — булка-кондитер комбинати, Иваново сўт комбинати билан Тошкент шайхор сўт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Иваново областидан Шуя ликер-ароқ заводи билан «Ивановогорхлеб» заводи коллективлари ўртасида таниқил этилган. Хўш, эса иккала областнинг баъзи хўжаликлари коллективлари социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқаришди.

Иванова област озиқ-овқат саноати ходимлари касабаси соҳа комитетининг раиси, делегация раҳбари А. А. Смирнова уч кун мобайнида Тошкент област корхоналари бўйлаб қилинган экскурсия таассуротлари билан ўртоқлашди.

Тошкент област озиқ-овқат саноати корхоналарида бизга манзур бўлган ва ўрганишга арийдиган яна бир нарсаси — бадий ҳаваскорлик коллективларига этиборининг зўрлигидир. Тошкент сўт ишлаб чиқариш ва гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаларида бадий ҳаваскорлар икросида қўйиб берилган концерт бизга завқ-шавқ бағишладилар.

Александровна Смирнова охирида мусобақани янада кенгайтириш тўғрисида таъкидлаб, бу соҳада икки област тўқимачиларида ўртасида арийдиган, деди. Ҳўш, бизда, фақат корхоналар коллективлари эмас, баъзи деҳқонлар билан бригадалар ва айрим ишлаб чиқариш илғорлари ўртасидаги социалистик мусобақани ташкил этиш ва чуқурлаштириш зарур.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

